



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори, в.б.профессор,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий
педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети


1. Юлдуз Эргашева ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ II МИРОВОЙ ВОЙНЫ.....	5
2. Nilufar Djurayeva O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING YANGI BOSQICHDA XOTIN-QIZLARGA MUNOSABAT MASALASIDAGI TUB ISLOHOTLARNING USTUVOR YO‘NALISHLARI..	13
3. Камола Саипова НАЦИОНАЛЬНО-ГОСУДАРСТВЕННОЕ РАЗМЕЖЕВАНИЕ И ЕГО ВОЗДЕЙСТВИЕ НА ФОРМИРОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО СОСТАВА УЗБЕКСКОЙ ССР.....	26
4. Отабек Алимардонов ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ТЎРТ КВАДРАНТИ (ЧОРАК) ПАРАДИГМАСИ: НАЗАРИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	34
5. Zilola Abdualimova SOVET PLAKATLARI TARG‘IBOT VOSITASI SIFATIDA (MIRZACHO‘LNI O‘ZLASHTIRISH MISOLIDA).....	45
6. Шерзод Бахранов ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ПАХТАЧИЛИК ИLMИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН.....	52
7. Abduvali Berdiyev SHARQIY TURKISTON BILAN SAVDO ALOQALARINING RIVOJLANISHIDA QO‘QON KARVON YO‘LLARINING O‘RNI VA ULARNING MINTAQAVIY IQTISODIYOTGA TA‘SIRI (18–19-ASRLAR).....	58
8. Икрамжон Исмаилов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ МУАММО ҲАМДА ЎЗГАРИШЛАР (1991-2020 йй).....	69
9. Земфира Курбанова ЦИКЛЫ ПОМИНОВЕНИЯ В СЕМЕЙНЫХ ОБРЯДАХ КАРАКАЛПАКОВ И ИХ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИЕ ПАРАЛЛЕЛИ.....	80
10. Tamara Ro‘ziyeva MIRZO SIROJIDDIN HAKIMNING “TUHAFI AHLI BUHORO” ASARIDA TURKISTON JAMIYATI HAQIDA.....	87
11. Sarvinoz Toshmurodova MILLIY SPORT TIZIMI VA OLIMPIYA HARAKATI: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI.....	92
12. Elyor Hojamberdiyev TURON ARXELOGIYASINI O‘RGANISHDA YONDASHUV VA TADQIQOT USULLARI (ERON OLIMLARI MISOLIDA).....	99



Отабек Қудратович Алимардонов,
Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети
“Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ТЎРТ КВАДРАНТИ (ЧОРАК) ПАРАДИГМАСИ: НАЗАРИЙ ТИПОЛОГИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

For citation: Otabek K. Alimardonov. THE FOUR QUADRANTS PARADIGM OF PUBLIC DIPLOMACY: THEORETICAL TYPOLOGY AND ANALYSIS OF UZBEKISTAN'S PRACTICE. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 7, pp.34-44

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.16755270>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқ дипломатияси тушунчаси “тўрт квадрант (чорак) парадигмаси” орқали назарий ва амалий жиҳатдан таснифланади. Мақолада халқ дипломатияси классик ва замонавий кўринишларидаги 4 тур – давлат ташаббусли ва жамоатчилик ташаббусли, проактив ва реактив фаолиятлар асосида таҳлил қилинади. Мазкур типология халқ дипломатиясида субъект, мақсад, восита ва муносабат мезонлари асосида ажратилади. Мақолада Ўзбекистон амалиёти мисолида ҳар бир квадрантга тегишли ҳолатлар, ташаббуслар ва халқаро муносабатлар таҳлил қилинган. Шунингдек, инқироз давридаги халқ дипломатиясининг стратегик аҳамияти ва унда рақамли медиа, жамоатчилик муносабати ва тармоқлашув жараёнлари акс этган.

Калит сўзлар: халқ дипломатияси, квадрант модели, Ўзбекистон, типология, инқироз, медиа, фуқаролик жамияти

Отабек Қудратович Алимардонов,
Доктор философии исторических наук (PhD), доцент кафедры «Новейшая история
Узбекистана» исторического факультета
Национального университета Узбекистана

ЧЕТЫРЁХКВАДРАНТНАЯ ПАРАДИГМА НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ: ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ТИПОЛОГИЯ И АНАЛИЗ ПРАКТИКИ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается концепция народной дипломатии через призму «четырёхквadrантной парадигмы», включающей теоретическую типологию и практический анализ. Автор делит народную дипломатию на четыре типа: инициативы государства и гражданского общества, проактивные и реактивные формы. Типология построена на основе

субъектов, целей, инструментов и характера взаимодействия. На примере Узбекистана проанализированы конкретные кейсы в каждом квадранте, включая медийные кампании, культурные инициативы и международные мероприятия. Особое внимание уделено роли народной дипломатии в условиях кризисов и значению цифровых платформ и общественного мнения.

Ключевые слова: народная дипломатия, модель квадрантов, Узбекистан, типология, кризис, СМИ, гражданское общество

Otabek K. Alimardonov

Doctor of Philosophy (PhD) in historical sciences,
Associate Professor of “Modern History
of Uzbekistan”, Faculty of History,
National University of Uzbekistan

THE FOUR QUADRANTS PARADIGM OF PUBLIC DIPLOMACY: THEORETICAL TYPOLOGY AND ANALYSIS OF UZBEKISTAN’S PRACTICE

ABSTRACT

This article presents a theoretical and practical typology of public diplomacy based on the “Four Quadrants Paradigm.” The author classifies public diplomacy into four types: state-initiated and civil society-driven, proactive and reactive forms. The typology relies on factors such as actor type, strategic intent, tools of communication, and relationship dynamics. Using Uzbekistan as a case study, the article analyzes real-world examples corresponding to each quadrant, including cultural diplomacy, media outreach, and international engagement. Special emphasis is placed on the strategic importance of crisis public diplomacy and the role of digital media and networked public spheres.

Index Terms: public diplomacy, quadrant model, Uzbekistan, typology, crisis, media, civil society

1. Долзарблиги:

Сўнгги ўн йилликларда халқаро муносабатлар тизимидаги туб ўзгаришлар, глобал муаммоларнинг кўпайиши ва давлатлараро мулоқот форматларининг кенгайиши фониди халқ дипломатияси янги илмий ва амалий мазмун касб этмоқда. Жаҳон сиёсатидаги юмшоқ куч концепциясининг ривожини, фуқаролик жамияти ва оммавий коммуникациялар таъсирининг ортиши халқ дипломатиясини анъанавий давлатлараро алоқалардан фарқ қилувчи мустақил майдон сифатида шакллантирди. Шу муносабат билан, халқ дипломатияси энди фақат маданий алмашинув ёки туризм билан чекланиб қолмасдан, балки стратегик коммуникация, рақамли тармоқлар, жамият ичидаги мулоқот форматлари ва ташқи имидж сиёсатида муҳим рол ўйнамоқда.

Халқ дипломатиясига оид тадқиқотларда аксарият ҳолларда унинг функционал вазифалари, усуллари ёки тарихий жараёнлари ўрганилган бўлса-да, унинг назарий асослари ва турларини тизимлаштирувчи типология масаласи етарлича ишланмаган. Шу боис, ушбу мақолада илгари сурилаётган “тўрт квадрант (чорак) парадигмаси” халқ дипломатиясини субъект (давлат ёки жамоатчилик), фаолият характери (проактив ёки реактив) каби мезонлар асосида тўрт типга ажратиб таҳлил қилишга уринишдир. Бу парадигма халқ дипломатиясининг стратегик, ижтимоий ва ахборотчилик функцияларини чуқурроқ таҳлил қилиш, турли контекстлардаги фаолият турларини чегаралаш ва классификация қилиш имконини яратади.

Мазкур мақолада, аввало, “тўрт квадрант модели”нинг назарий асослари ҳамда халқаро сиёсатдаги ўрни ёритилади. Шундан сўнг, ҳар бир квадрантнинг мазмун-моҳияти, субъектлари, таъсир механизмлари ва муносабат динамикаси атрофлича тавсифланади. Энг муҳими, Ўзбекистон амалиёти мисолида мазкур типологиянинг амалда қандай акс этгани,

давлат ва фуқаролик жамиятининг ташаббуслари, маданий ва рақамли дипломатия форматлари орқали таҳлил қилинади. Шу билан бирга, мақолада инқироз давридаги халқ дипломатияси алоҳида назарий-амалий феномен сифатида кўриб чиқилади ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси таҳлил қилинади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Халқ дипломатияси мавзуси халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик, коммуникация назарияси ва маданий тадқиқотлар кесишувидаги интердисциплинар йўналиш сифатида илмий доираларда тобора кенгрок ўрганилмоқда. Ушбу соҳадаги етакчи тадқиқотчилардан бири Жозеф Най (Joseph Nye) “yumshoq kuch” (soft power) концепциясини ишлаб чиқиб, халқ дипломатиясини давлат таъсирининг марказий воситаларидан бири сифатида асослаб берган. Унинг фикрича, мамлакатлар ўз маданияти, кадриятлари ва сиёсий моделлари орқали бошқа жамиятлар қалби ва онгига таъсир ўтказиш имконига эга бўлади[1].

Николас Калл (Nicholas Cull) эса халқ дипломатиясининг тарихи, инструментлари ва институционал шакллари таҳлил қилиб, уни беш турдаги фаолиятга ажратади: маданий алмашинув, тарғибот, таълим дастурлари, расмий тушунтириш ва нимадир қилиб қўйиш орқали таъсир ўтказиш (advocacy). Унинг тадқиқотлари халқ дипломатиясининг актив, динамик ва кўп томонлама хусусиятларини кўрсатади[2].

Раиса Захарна (R.S.Zaharna) халқ дипломатиясини муносабатга асосланган модел сифатида қайта баҳолайди ва уни мослашувчан, ўзаро муносабатларга асосланган алоқа шакли сифатида қарашни таклиф этади. Шу орқали у давлатнинг бир томонлама тарғиботидан кўра, икки томонлама мулоқотни аҳамиятли деб билади[3]

Гилбоа (Gilboa, 2006) эса халқ дипломатиясини инқироз вазиятларидаги коммуникация стратегиялари доирасида ўрганади ва уни “етишмаётган дипломатик механизм” сифатида кўради. Бу ёндашув инқироз даврида халқ дипломатиясининг аҳамиятини оширади[4].

Ўзбекистон амалиёти бўйича эса мустақил тадқиқотлар сони оз бўлса-да, сўнгги йилларда ШХТ Халқ дипломатияси маркази, “Dunyo” ахборот агентлиги, Самарқанд бирдамлик ташаббуси каби лойиҳалар ва форумлар илмий назариялар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинмоқда.

Шундай қилиб, мавжуд адабиётлар халқ дипломатиясини ё яқка қарашда (расмий позиция ёки тарғибот), ёки мулоқот асосида баҳолайди. Аммо уларнинг кўпчилиги ҳолатлар ва субъектлар ўртасидаги тоифавий фарқларни тизимлаштирмайди. Ушбу мақоладаги тўрт квадрант парадигмаси эса айнан шу типология муаммосини бартараф этишга қаратилган.

Ушбу тадқиқотда сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва коммуникация назариялари асосидаги фанлараро (интердисциплинар) методология қўлланган. Тадқиқотнинг мақсади – халқ дипломатияси фаолиятларини тоифаларга ажратиш, унинг назарий моделини яратиш ва амалиётда қандай акс этганини кўрсатишдан иборат.

Қўлланилган асосий методлар:

Типологик таҳлил – халқ дипломатиясини субъект, фаоллик даражаси ва йўналиш каби мезонлар асосида тўрт турга ажратиш.

Кейс-стади усули – Ўзбекистондаги аниқ ташаббуслар ва лойиҳаларни таҳлил қилиш орқали моделни амалиётда текшириш.

Муқобил таҳлил (comparative analysis) – жаҳон тажрибасидаги Туркия, АҚШ, Корея каби мамлакатларнинг инқироз давридаги халқ дипломатияси билан Ўзбекистон амалиётини таққослаш.

Медиатизация таҳлили – рақамли платформа ва тармоқли коммуникациялар таъсирини кўриб чиқиш.

Контент таҳлили – халқаро ташкилотлар ва давлат ахборот платформаларидаги материаллар орқали ташқи имижга таъсирни ўрганиш.

3. Тадқиқот натижалари:

“Халқ дипломатияси” (Public Diplomacy) анъанавий дипломатиядан фарқ қилувчи дипломатия тури бўлиб, унда давлатлар эмас, балки халқлар, фуқаролик жамияти, маданият

ва оммавий коммуникациялар фаол иштирокчи ҳисобланади. Ушбу дипломатик фаолият халқлар ўртасида маданий алмашинув, оммавий ахборот, таълим, спорт ва бошқа “юмшоқ куч” инструментлари орқали ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик орқали ишонч муҳитини яратишга, дўстлик ва биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Тўрт квадрант (чорак) парадигмаси” назарий янгилик сифатида халқ дипломатиясини 4 турга (чоракка) ажратиш орқали унинг классик ва замонавий турларини фарқлаш имконини беради[5]. Илмий жиҳатдан, «квадрант» тушунчаси математика ва коммуникация назариясида тўғри тўрт қисмига бўлинган модел (“quadrant model”) ни билдиради. У одатда акслар тўпламидаги (мисол учун: расмий – норасмий, давлат – жамият, проактив – реактив, кировчи – чиқувчи каби) тоифалашда қўлланилади. Бу парадигма халқ дипломатиясини таснифлаш ва таҳлил қилишда янги типология яратиш имконини беради. Мақолада халқ дипломатиясининг “назарий типология”си шунчаки таҳлил қилинмасдан, балки унинг турлари, усуллари, таъсир доиралари ва натижавийлигини тартиблаш, чегаралаш ва классификация қилиш имкони бўлади. Шунингдек, “Тўрт квадрант (чорак) парадигмаси”ни локал контекстда амалга оширилишини ва назарий моделнинг амалиётда қандай акс этганини кўрсатишга қаратилган. Бу жиҳатдан у кейс-стади вазифасини бажаради. Айниқса, маданий дипломатия, таълим алмашинувлари, туризм, адабий алоқалар ва миллий брендлаш каби йўналишларда Ўзбекистондаги ҳолатни кўрсатиш мумкин.

Қуйида берилган жадвал орқали халқ дипломатиясинининг тўрт квадранти парадигмасини таснифига атрофлича тўхталиб, Ўзбекистон мисолида таҳлил қилиб чиқамиз.

	Давлат ташаббуси Асосида	Жамоатчилик ташаббуси асосида
Давлатга йўналтирилган	Биринчи чорак (фаол ва қатъий халқ дипломатияси) <ul style="list-style-type: none"> • давлат лойиҳаси • давлат эҳтиёж ва мақсадлари • давлат назорати остида • давлат-жамоат муносабатлари ижобий, нейтрал ёки салбийга қадар • жамоатчилик пассив, “мақсадли аудитория” сифатида • халқаро телерадиоэшиттиришлар, миллий брендни шакллантириш 	Учинчи чорак (ҳамкорликка асосланган халқ дипломатияси) <ul style="list-style-type: none"> • жамоатчилик лойиҳаси • давлат эҳтиёж ва мақсадларига мослаштирилган • жамоатчилик-давлат муносабатлари нейтралдан ижобийга қадар • жамоатчилик ташаббуси, давлат халқ билан ҳамкорликка жалб қилинган • жамоатчилик фаол, иштирокчи • тармоқлашган ёндашувлар, ваколатларни кенгайтириш, салоҳиятни ривожлантириш
	Иккинчи чорак (ҳамкорликка асосланган халқ дипломатияси) <ul style="list-style-type: none"> • давлат лойиҳаси • жамоат эҳтиёжлари, мақсадларига мувофиқ • давлат-жамоатчилик муносабатлари бетараф ва ижобий • давлат-ҳомий, жамоат шерикчилиги • жамоатчилик пассив/иштирокчи • “жалб қилиш” стратегиялари, муносабатли ёндашувлар 	Тўртинчи чорак (фаол ва қатъий халқ дипломатияси) <ul style="list-style-type: none"> • жамоатчилик лойиҳаси • жамоатчилик эҳтиёжлари, мақсадлари • жамоатчилик назорат остида • жамоатчилик-давлат муносабатлари нейтрал ва салбий • давлат нишонга олинган, давлат алоқадор эмас / давлат ҳужумга учраган • тармоқ, ижтимоий тармоқларда “инкирозли халқ дипломатияси” кампанияси
Халққа йўналтирилган		

Юқоридаги жадвалга кўра I чоракда халқ дипломатияси давлат томонидан бошқариладиган ва унинг манфаатларига йўналтирилган фаолият сифатида анъанавий қарашни акс эттиради. Бу ташаббус давлат томонидан ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва назорат қилиниши билан давлат бошқарувига асосланади. У давлат манфаатларига қаратилган бўлиб, халқ дипломатияси ташаббуслари давлатнинг манфаатлари, эҳтиёжлари ва мақсадларини қондиришга мўлжалланган. Жамоатчилик пассив деб ҳисоблангани сабабли, муносабатлар жиҳати кўпинча ўрганилмайди. Бироқ, агар муносабатлар ижобий бўлса, давлатнинг имижига ҳам ижобий қабул қилинади. Агар муносабатлар салбий бўлса,

давлатнинг коммуникация ҳаракатлари кутилмаган қаршиликка дуч келади. Халқаро телерадио эшиттиришлар ва миллий брендлаш давлат томонидан бошқариладиган ва давлат манфаатларига йўналтирилган халқ дипломатиясини акс эттиради.

Ўзбекистон амалиёти мисолида Осакадаги “ЕХРО-2025” кўрғазмасида “Билимлар боғи: келажак жамияти лабораторияси” деб номланган Ўзбекистон павилонини келтириб ўтиш мумкин[6]. Ушбу лойиҳа юз минглаб меҳмонларнинг эътиборини тортишга улгурди. Лойиҳа концепция кўра унда Ўзбекистонда кечаётган чуқур жараёнлар – инновациялар ва анъаналар ўртасидаги уйғунликни, келажакка интилиш ва абадий қадриятларга ҳурматни акс эттирувчи макон ғояси устунлик қилади. Хусусан, Хивада жойлашган 213 та ноёб устунли жоме масжиди ҳамда Бухоронинг ложувард кошинларини акс эттириш павилоннинг меъморий ва мазмуний асосини ташкил этди.

Павилионга киравериш қавати – ер остини англатади ва тупроқ, сувни гавдалантирувчи иллюзиялар билан ишланган. Бу галги кўрғазмада Ўзбекистон нафақат тарихи, балки бугун ҳамда келажак режаларини ҳам кўрсатишга уринди. Масалан, экологик омиллар, энергетик муаммоларни бартараф қилиш учун яшил ечимлар макетлари, сунъий идрок ва рақамлаштиришни аниқлашчи схемалар павилиондан ўрин олган[7].

2023 йил декабрь ойида дунёдаги пиёдалар энг гавжум чорраҳалардан бири – Токиодаги Шибуба чорраҳасидаги Япониядаги энг йирик мониторда мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларининг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишга бағишланган видеороликлар жойлаштирилди[8].

2025 йил январь ойи бошларида дунёнинг етакчи ахборот платформаларидан бири – CNN Ўзбекистоннинг буюк алломалари ҳақида туркум мақолалар чоп этди[9]. Унда Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино каби алломаларнинг ўзбек миллатига мансуб бўлгани алоҳида эътироф этилган[10].

Халқ дипломатиясининг II чораги давлатга йўналтирилган ташаббуслардан жамоатчиликка йўналтирилган ташаббусларга ўтишни ифодалайди. Ташаббуслар ҳали ҳам давлатга тегишли бўлиб, шу маънодаки, айнан давлат ташаббусни илгари суради, унга ҳомийлик қилади. Бироқ, ташаббус устидан давлат назоратига қарамай, жамоатчилик иштироки ва ижобий муносабатларни ўрнатиш ушбу чоракда Халқ дипломатияси ташаббуслари учун ҳал қилувчи хусусият сифатида қаралади. Асосий эътибор давлатга йўналтирилган эҳтиёжлар ёки мақсадларга эмас, балки жамоатчиликнинг аралашувини таъминлаш ва муносабатларни ўрнатиш учун “халқ дипломатияси” ташаббусининг хабари, ёндашуви ва медиа платформаларини танлаш жамоатчиликка ижобий таъсир кўрсатишга қаратилган. Сўнгги ўн йил ичида янада “муносабатли” ёндашувни қўллаб-қувватловчи “янги халқ дипломатияси”нинг пайдо бўлиши ва халқ дипломатиясини “жалб қилиш” сифатида кўриш Халқ дипломатияси II чорагидаги давлатга асосланган, жамоатчиликка йўналтирилган ташаббусларга мисол бўла олади.

II чоракка Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш соҳасидаги обрўсини кенг тарғиб қилиш ва ижобий имижини ошириш учун “30 июль – Халқаро дўстлик куни”га бағишлаб мамлакатимиз бўйлаб 2023 йилнинг 23-28 июль кунлари “Дўстлик” фестивали ва унинг доирасида ўтказилган “Халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин[11].

Мазкур конференцияда 10 дан ортиқ мамлакатлардан 30 га яқин хорижлик экспертлар, ватандошлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Конференция шўъбаларга бўлинган ҳолда ҳам давом эттирилиб, уларда “Биродар шаҳарлар алоқалари – замонавий давлатлараро муносабатлар тимсоли”, “Халқ дипломатияси ривожланишида хориждаги ватандошлар ўрни” масалалари муҳокама этилди.

Халқ дипломатиясининг III чорагида давлат ташаббусидан жамоатчилик ташаббусига ўтиш кузатилади. Рақамли оммавий ахборот воситалари жамоатчиликка давлат билан мулоқот родини ўзгартиришга самарали имкон яратди. Давлат томонидан тақдим этилган маълумотларнинг истеъмолчиси бўлиш ўрнига, жамоатчилик давлат эътибори ва истеъмоли

учун мулоқот яратиш имкониятига эга бўлди. Халқ дипломатиясининг II чорагидаги давлатга асосланган, жамоатчиликка йўналтирилган ташаббуслар жамоатчиликни жалб қилишга интилса, III чорагидаги жамоатчиликка асосланган, давлатга йўналтирилган лойиҳалар давлатни жалб қилиш ва иштирок эттиришга қаратилган. Дастлаб жамоатчилик томонидан кўтарилган глобал исиш, соғлиқни сақлаш ва таълим каби кўплаб глобал, мураккаб муаммолар, жумладан, миналарни тақиқлаш кампанияси, халқ дипломатиясининг III чорагига ёрқин мисол бўла олади.

Халқ дипломатиясининг II ва III чораклари ўртасидаги умумий жиҳат шундаки, улар давлат ва жамоатчилик ўртасидаги муносабатларга нисбатан нейтрал ёки ижобийдир. Жамоатчилик кўпинча “манфаатдор томонлар” деб аталади ва фуқаролик жамияти ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) каби уюшган жамоат вакилларини назарда тутди. Шунингдек, давлат ва жамоатчиликнинг мақсадлари ва қарашлари ўхшаш деган яширин тахмин ҳам мавжуд. Ижобий муносабатлар ва умумий қарашлар хабарлар ва ёндашувларни мослаштиришга, муносабатлар ёки тармоқлар куришга, умумийликни излашга, ўзаро ҳамкорликка, мулоқотга ва потенциал ҳамкорликка тайёрликнинг асосини ташкил этади.

2022 йил 11 май куни “Халқ дипломатияси тараққиёт сари ўзаро ҳамжиҳатлик” мавзусида ШХТ Халқ дипломатияси форуми (“Тошкент — 2022” форуми) ўтказилди [12]. Мазкур форум халқ дипломатиясининг кенг қўламли воситаларидан самарали фойдаланишда фикр алмашиш учун ноёб имконият ва муҳим платформа бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази ташаббуси остида ўтказилган форумда ШХТга аъзо давлатлар парламентлари, халқаро тузилмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, илмий-таҳлил марказлари вакиллари билан иборат 120 дан ортиқ иштирокчи қатнашди [13]. Форумда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева ўз маърузасида халқ дипломатиясининг кенг воситаларидан самарали фойдаланиш юзасидан фикр алмашиш нуқтаи назаридан ушбу анжуман муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади [14].

Форум давлатлараро ва минтақалараро алоқаларни, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, ўзаро англашувга эришиш бўйича цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш, ШХТ мамлакатлари халқлари ўртасида ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган нуқтаи назарларни шакллантиришдек эзгу мақсадни кўзлайди.

Халқ дипломатиясининг IV чораги олдингиларидан жамоатчиликнинг дипломатия мазмунини яратиш қобилияти ва давлат билан муносабатларининг бетараф ёки салбий бўлиши билан ажралиб туради. Бу ерда дипломатия ташаббуслари жамоатчиликка асосланган бўлиб, жамоатчилик ташаббус устидан асосий, ҳатто тўлиқ назоратни ўз қўлида сақлайди. Ташаббуслар жамоатчиликка йўналтирилган бўлиб, улар жамоатчиликнинг эҳтиёжлари, манфаатлари ва мақсадларини қондириш учун ишлаб чиқилган. Бу мақсадлар давлат манфаатларига нисбатан бетараф ёки зид бўлиши мумкин. Жамоатчилик билан ижобий муносабатларни кутиш ўрнига, давлатлар зиддиятли жамоат манфаатдор томонларига дуч келиши мумкин. Кўпинча эътибордан четда қолса-да, айнан шу жамоат манфаатдор томонлари халқ дипломатияси ташаббусларида янада муҳимроқ стратегик аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Рақобатдор манфаатдор томонлар мунозарали жамоатчилик масаласида кучли манфаатдорликни сақлаб қолаётганлиги сабабли, ҳатто давлат билан келишмаса ҳам, уларни халқ дипломатияси тенгламасидан чиқариб ташлаш мумкин эмас. Шунингдек, уларни “мантисиз” деб ҳам бўлмайди.

Ушбу қарама-қарши манфаатдор томонлар жамоатчилик назарида давлатдан кўра кўпроқ ишонч ва қонунийликка эга бўлиши мумкин. Бу манфаатдор томонларга очиқдан-очиқ қарши чиқиш давлатни янада бегоналаштиришга олиб келиши мумкин.

Энг муҳими, бу томонлар рақамли воситалар ва тармоқ алоқа стратегияларидан моҳирона фойдаланиб, давлатларга рақобат қила оладиган юмшоқ куч устунлигини яратмоқдалар.

Давлатлар учун халқ дипломатиясининг IV чораги “инқироз давридаги халқ дипломатияси” муаммосини ифодалайди. Хайрихоҳ жамоатчилик билан олиб бориладиган нисбатан барқарор мулоқотдан фарқли ўлароқ, инқирозли халқ дипломатияси бир вақтнинг ўзида турли хил жамоатчилик билан - нафақат хорижий ёки маҳаллий, балки дўстона ва рақобатчи жамоатчилик билан ҳам - юқори даражада кўзга ташланадиган, тез ўзгарувчан ва мунозарали жамоат майдонида мулоқот ўрнатишни талаб этади.

Инқироз давридаги халқ дипломатияси (Crisis Public Diplomacy) – бу давлатнинг халқаро инқироз шароитида ташқи жамоатчилик билан стратегик мулоқот ўрнатиш, ахборот тарқатиш, жамоатчилик фикрини бошқариш ва ўз ташқи имижини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасидир.

Ушбу дипломатия тури мамлакат ёки ҳукумат томонидан инқироз вазиятида ҳам ички, ҳам халқаро жамоатчилик фикрини бошқариш ва унга таъсир ўтказиш учун қўлланиладиган дипломатик стратегиялар ва мулоқот воситаларини англатади. Бу халқаро ёки ички нотинчлик пайтларида тасаввурларни бошқариш, зарарни камайтириш ва тушунишни ошириш мақсадида амалга ошириладиган оммавий хабарлар, ОАВ кампаниялари ва бошқа мулоқот саъй-ҳаракатларини ўз ичига олади.

Инқироз давридаги халқ дипломатияси одатда халқаро инқирозлар, можаролар, табиий офатлар, пандемиялар, террористик хужумлар, сиёсий беқарорлик ёки йирик дипломатик муаммолар каби фавқулодда ҳолатларда давлатларнинг хорижий жамоатчилик олдидаги имижини, ишончилигини ва коммуникациясини стратегик бошқаришга қаратилган дипломатия туридир.

У халқ дипломатиясининг махсус йўналиши бўлиб, инқироз вазиятида давлатнинг ташқи жамоатлар билан муносабатини самарали равишда сақлаш ва бошқариш мақсадида амалга оширилади.

Чунки инқироз пайтида давлатлар нафақат ички сиёсатни, балки халқаро имиж ва алоқаларни ҳам назорат қилиши керак. Халқ дипломатияси инқирозни фақат тушунтириш эмас, балки уни халқаро майдонда сиёсий ва гуманитар жиҳатдан қонунийлаштириш воситаси ҳамдир.

Умумий халқ дипломатияси асосан чет эл жамоатчилиги (аҳоли, ташкилотлар ва ОАВ) билан алоқа ўрнатишга қаратилган бўлса, инқироз давридаги халқ дипломатияси айнан юқори даражадаги кескинлик, ноаниқлик ёки зиддият мавжуд бўлган вазиятларни бошқаришга эътибор қаратади

Инқироз давридаги халқ дипломатиясига қуйидаги ҳолатларда кенг қўлланилади:

Табиий офатлар: Йирик табиий офатдан сўнг, ҳукумат халқаро ёрдам сўраш, миллий чора-тадбирларни тушунтириш ёки инқироз ҳақидаги ҳар қандай нотўғри тушунчаларни ойдинлаштириш учун жамоатчилик дипломатиясидан фойдаланиши мумкин.

Ҳарбий можаролар: Ҳарбий можаро ёки уруш ҳолатида ҳукумат халқаро қўллаб-қувватлашга эришиш, оммавий ахборот воситаларининг салбий тасвирларига қарши курашиш ва можаронинг сабаблари ҳамда унинг кўзланган ечими ҳақида ўз нуқтаи назарини тақдим этиш учун инқирозли жамоатчилик дипломатиясини қўллаши мумкин.

Дипломатик низолар: Дипломатик низо ёки халқаро кескинлик (масалан, савдо уруши ёки ҳудудий низо) пайтида мамлакатлар вазиятни юмшатиш ёки иттифоқчиларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун жамоатчилик дипломатиясидан фойдаланиши мумкин.

Давлатлар кесимида мисоллар

Мамлакат	Инқироз	Халқ дипломатияси стратегияси
АҚШ	9/11 хужумлари (2001)	2001 йилдаги террорчилик хужумларидан сўнг АҚШ халқаро аудиторияга “террорга қарши кураш” операциясини бошлади.
Хитой	COVID-19 пандемияси (2020-2022)	“Ваксина дипломатияси”, ҳимоячи давлат имижини яратиш учун 2020 – 2022 йилларда Хитой “ваксина дипломатияси” орқали сўнгги фазада ўзини масъулиятли давлат сифатида намоён қилишга уриниб, COVID-19 тарқалиши ҳақидаги танқидларга қарши чиқди.

Украина	Россия босқини (2022)	2022 йилда Украина Президенти Зеленскийнинг тўғридан-тўғри чиқишлари, ижтимоий медиа орқали халқаро жамоатчиликка муурожаатлари, рақамли дипломатиянинг намунавий кўринишидир.
Ўзбекистон	Орол фожияси (1960 йиллардан ҳозирги кунгача)	Ўзбекистон раҳбарияти 1993, 1995, 2010, 2017, 2018, 2020, 2023 йилларда БМТ минбарларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи фожиясига қаратган.

Афсуски, бугунги кун халқ дипломатиясини бевосита инқироз давридаги халқ дипломатияси деб ҳам номлаш мумкин. Бундай даврда Ўзбекистон халқ дипломатиясининг позицияси ички ва ташқи сиёсатда давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотни янада кучайтириш, жамиятда миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, хориждаги ватандршлар билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш, фуқаролик жамияти, ННТ ни қўллаб қувватлашдан иборатдир.

Халқаро терроризм, радикализм ва экстремизм, ксенофобия ва ирқчилик, халқаро тизимнинг етакчи иштирокчилари ўртасида ишонч инқирозининг кескинлашуви, шунингдек, иқлим ўзгариши ва пандемиядан кейинги ривожланиш билан боғлиқ муаммолар ва бошқа кўплаб масалалар келишилган глобал ҳаракатларни ҳамда минтақавий даражада самарали олдини олиш ва жавоб бериш чораларини биргаликда кўришни талаб қилади.

Бугун барча мамлакатлар ва халқлар дуч келаётган юқорида санаб ўтилган ва бошқа умумий муаммолар давлатлар ва жамиятларнинг бир-бири билан қанчалик чамбарчас боғланганлигини кўрсатмоқда.

Ижтимоий-сиёсий инқирозлар даврида халқ дипломатиясининг ривожланишида давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни ҳам муҳим[15]. Бунда асосий эътибор давлат тузилмалари ва мансабдор шахсларга эмас, балки ҳамкорликни кенгайтириш имкониятига эга жамоат ташкилотларига қаратилади.

2017 йил 9 июнда Остона шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва таклифларни амалга ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларини муваффақиятли амалга оширишда халқ дипломатияси механизмларидан хар томонлама фойдаланиш мақсадида 2018 йилда нодавлат нотижорат ташкилоти кўринишидаги муассаса шаклида Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилди[16].

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган Халқ дипломатияси марказини яратиш ғояси, халқаро вазиятдаги беқарорлик ва ноаниқлик омиллари ҳамда турли хатарлар сонининг кўпайиши фонида ўта долзарбдир[17]. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси марказининг фаолияти[18] ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг хилма-хил имкониятларини очишга, ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши кўшничлик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади[19].

Ўтган давр мобайнида Марказ томонидан 400дан ортиқ халқаро анжуманлар, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, ижодий кечалар, тақдиротлар, спорт мусобақалари, кўргазма ва брифинглар ташкил этилди. Маҳаллий ва хорижий тузилмалар билан 50га яқин ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. 800 га яқин мақола ва ахборот материаллари тайёрланди ва маҳаллий ҳамда хорижий ахборот ресурсларида ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилди.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яққо ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир.

Самарали халқаро ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилдир. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб

муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади[20].

Бугун жаҳон мамлакатлари ва халқларига тўғридан-тўғри мулоқот зарур. Бунинг учун эса қулай, хавфсиз майдон – мулоқот платформаси кераклигини англаган Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти ШХТ ва дунё халқларини янги майдонга чақирмоқда[21].

Шу тариқа Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги халқ дипломатияси атамаси пайдо бўлди дейиш мумкин. Самарқанд бирдамлик ташаббуси халқаро ҳамкорлик, цивилизациялараро глобал мулоқот платформаси. “Самарқанд бирдамлик ташаббуси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган халқ дипломатиясининг янги мулоқот майдонидир. У ўз ичига глобал хавфсизликдан тортиб маданий ҳамкорликларгача бўлган барча жабҳаларни камраб олади. Ташаббус айни пайтдаги дунёни яқдил ва бидамликка, барқарор ривожланишга чорлайди”.

“Самарқанд бирдамлик ташаббуси” – илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммитида илгари сурилган ва 2023 йил БМТ нинг 78 сессиясида яна бир бор таъкидлаб ўтилган эди. Ушбу ташаббус ва Ўзбекистоннинг фаол тинчлик ва бирдамлик сиёсати халқ дипломатиясининг янги босқичини бошлаб бериши мумкин.

Ушбу ташаббуснинг мақсади – бизнинг умумий келажагимизга бефарқ бўлмаган, ихтилофларга қарамасдан келишилган ёндашувлар ва қарорларни излашга тайёр, “Самарқанд руҳи” тамойилларига ҳамфикр бўлганларнинг барчасини глобал цивилизациялараро мулоқотга жалб қилишдир”[22].

Хулоса қилиб айтганда халқ дипломатияси – бугунги глобаллашган, рақамлашган ва сиёсий жиҳатдан кўп қатламли дунёда давлатлар ва жамиятлар ўртасидаги ишонч, мулоқот ва ҳамкорликни таъминловчи стратегик восита сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тадқиқотда илгари сурилган “тўрт квадрант (чорак) парадигмаси” халқ дипломатиясини субъект (давлат / фуқаролик), фаолият характери (проактив / реактив) каби мезонлар асосида типологик жиҳатдан таснифлашга хизмат қилади.

Ушбу модел орқали халқ дипломатиясининг анъанавий давлат марказлашган шакллари билан замонавий фуқаролик ташаббуслари ўртасидаги фарқлар, уларнинг мақсадлари, таъсир воситалари ва ижтимоий муносабатлари тизимли таҳлил этилади. Модел халқ дипломатиясининг ҳар бир чорагидаги фаолиятларни алоҳида тавсифлашга, уларнинг амалиётдаги аксини (кейс-стади) таҳлил қилишга имконият яратади.

Ўзбекистон амалиёти мисолида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатда I ва II чорак (давлат ташаббусли ва жамоатчиликка қаратилган фаолиятлар) кенг ривожланган бўлса-да, III ва IV чорак (фуқаролик ташаббусли ва реактив йўналишлар) ҳали етарлича институционал ва ташкилий қўллаб-қувватланмаган. Шунингдек, инқироз давридаги халқ дипломатияси бўйича тизимли стратегия шаклланмаган бўлиб, бу соҳада рақамли медиа ва жамоатчилик билан муносабатни янада самарали йўлга қўйиш талаб этилади.

Инқироз шароитидаги халқ дипломатияси нафақат ахборот тарқатиш, балки ишонч, ҳамдардлик ва дипломатик манфаатларни ҳимоя қилиш усулига айланмоқда. Давлатлар фаол мулоқот, аудитория марказидаги ёндашув ва рақамли технологиялар орқали ўз ташқи имижини мустаҳкамлаши зарур. Ўзбекистон инқироз дипломатиясида расмий давлат институтларининг (I ва IV квадрант) устунлиги сақланмоқда, аммо фуқаролик жамиятини жалб этиш (II ва III квадрант) сўнгги йилларда ривожланмоқда.

Таклифлар сифатида куйидагиларюни айтиб ўтиш мумкин: Халқ дипломатияси миллий концепцияси қабул қилиш, инқироз давридаги халқ дипломатияси бўйича махсус медиа стратегиялар ва rapid response (тезкор жавоб) гуруҳлари шакллантириш, олий таълим ва дипломатия соҳасида “жаҳон жамоатчилиги билан мулоқот” каби фанлар жорий қилиниб, маданий дипломатия, рақамли коммуникация ва глобал PR соҳаларида кадрлар тайёрлаш, ШХТ Халқ дипломатияси маркази, “Dunyo” АА ва миллий бренд ташкилотлари ўртасида координацияланган фаолиятни таъминловчи ягона “Халқ дипломатияси платформаси” ни ташкил этиш.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Nye, J. S. (2004). *Soft Power: The Means to Success in World Politics*.
2. Cull, N. J. (2009). *Public Diplomacy: Lessons from the Past*. USC CPD.
3. Zaharna, R. S. (2010). *Battles to Bridges: U.S. Strategic Communication and Public Diplomacy after 9/11*.
4. Gilboa, E. (2006). *Public Diplomacy: The Missing Component in Crisis Communication*.
5. Zaharna R.S. *The 4th Quadrant of Public Diplomacy / E-International Relations* ISSN 2053-8626 Page 4/4
6. <https://t.me/acdfuz> ./ O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat va san’atni rivojlantirish jamg‘armasining rasmiy telegram sahifasi
7. <https://kun.uz/news/2025/05/21/tabiiy-innovatsion-transformativ-yaponlar-ozbek-pavilioniga-qanday-tarif-bermoqda> / “Tabiiy, innovatsion, transformativ” – yaponlar o‘zbek pavilioniga qanday ta’rif bermoqda?
8. <https://www.facebook.com/uzembassyjapan> Embassy of the Republic of Uzbekistan in Japan?__cft__[0]=AZXB7Gata0CMo3tW23PKJvBkzEoWMkaN6yJkKtIbJZWxfijTzleFNT88QQS8vQQtxyCKIP7cA_JfSm3xY8N0Oz3lRjKUdMZOW3zPrmQTp-Iql3VXMe3SgUm2dyDO7jqrzUOcdC0CQ9javwg24TOJoU5l3hIuIYeChbqp87v4XX_oIQ&__tn__=-]C%2CP-R
9. *Titans who changed the world: The man who unveiled the secrets of the cosmos /* <https://edition.cnn.com/sponsor/edition/cisc/uzbekistan-the-man-who-unveiled-the-secrets-of-the-cosmos>
10. CNN ўзбек алломалари ҳақида мақолалар эълон қилди / <https://t.me/islommarkazi> Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий саҳифаси
11. Халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг ўрни / халқаро илмий-амалий конференция материаллари (28 июль, 2023 йил). – Тошкент, 2023. – 125 бет.
12. Халқ дипломатияси – ишонч ва ўзаро англашув платформаси / Янги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий газетаси № 89 (611), 2022 йил 6 май, жума 1-3 бетлар.
13. <https://www.socenter.uz/post-detail/200> Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар Халқ дипломатияси форуми бошланди
14. <https://www.socenter.uz/post-detail/199> / Мазкур форум халқ дипломатиясининг кенг кўламли воситаларидан самарали фойдаланишда фикр алмашиш учун ноёб имкониятдир
15. МТРК жорий архивидан. И. Бекмуродовнинг “Ўзбекистон тарихи” телеканалида “Маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланишида халқ дипломатиясининг роли” мавзусидаги давра суҳбатидаги нутқидан. Т. 2020. 10 февраль.
16. Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. // Тошкент ш., 2018 йил 26 июнь, ПҚ-3807-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2018й.,07/18/3807/1401-сон). // www.lex.uz
17. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали № 1/2019 // ШХТ халқ дипломатияси маркази Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади. Б.95.
18. Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ҳақида <https://socenter.uz/about-center>
19. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали № 1/2019 // ШХТ халқ дипломатияси маркази Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади. Б.95.
20. Мирзиёев Ш. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик. // “Янги Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газетаси. № 186 (708), 2022 йил 12 сентябрь

21. Sobirov Q. «Shanxay hamkorlik tashkiloti jahon siyosatining muhim sub'ektiga aylanmoqda» /«Yangi O‘zbekiston» ijtimoiy-siyosiy gazetasi № 131 (1192), 2024-yil 3-iyul
22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. 2022 йил 16 сентябрь // <https://president.uz/uz/lists/view/5542>

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000